



# **Course: Islamic Finance**

## **Lecture 7: Risk Management in Islamic Banks**

**Lecturer: Shaamirova Surayyo**

# Риск Нима?

**Риск** — келажакда нохуш ҳолат юз бериши эҳтимоли ва у содир бўлса, мақсадларингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолат. Яъни “нима бўлиши мумкин?” ва “қанчалик зарар қилади?” деган саволларга боғлиқ.

## Риск Менежмент нима?

Рискларни олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш ёки назорат қилиш учун режа ва чоралар кўриш жараёни. Мақсад — йўқотишларни камайтириш ва натижани барқарор қилиш.

# Риск/Хатарга ИсломиЙ Ёндашув

Ислон савдони иқтисодий фаолиятнинг асосий элементи сифатида аниқ тан олади.

Хатар савдода табиий равишда мавжуд.

Шунинг учун инсонга фоиз орқали осон йўл билан пул топиш ўрнига, хатарни қабул қилиш сўралади.

# Анъанавий Банклардаги Рисклар (Хатарлар)

# Банк Рисклари



# Кредит риси (Credit Risk)

Қарз олувчининг кредитни тўламаслиги ёки шартнома мажбуриятларини бажармаслиги натижасида зарар кўриш эҳтимоли.

Анъанага кўра, бу қарз берувчининг асосий қарз ва фоизларни олмаслик хавфини англатади, бу эса пул оқимининг узилишига ва ундириш учун харажатларнинг ошишига олиб келади.



# Бозор rischi

Бозорлардаги инвестицияларнинг умумий кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар туфайли йўқотишларга дучор бўлиш эҳтимоли. Бозор таваккалчилигини диверсификация йўли билан бартараф этиб бўлмайди.

Бозор таваккалчилиги манбаларига турғунлик (рисессия), сиёсий нотинчликлар, фоиз ставкаларининг ўзгариши, табиий офатлар ва террористик ҳужумлар киради. Бозор rischi бир вақтнинг ўзида бутун бозорга таъсир кўрсатиши мумкин.

# Операцион риск

- Компаниянинг кундалик бизнес фаолиятини амалга оширишда дуч келадиган хавфлар.
- Ички тартиб-қоидалар, одамлар ва тизимларнинг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин.



**Source:** Risk Publishing (n.d.), *"Difference between Strategic Risks and Operational Risks"*

# Ликвидлилик риски

Молиявий институтлар кўп жиҳатдан қарзга олинган пулга боғлиқ, шунинг учун улар ўзларининг қарз мажбуриятларини катта йўқотишларга дучор бўлмасдан бажара олишлик хатари.

Шу сабабли, муассасалар молиявий барқарорликни ўлчаш учун қатъий мувофиқлик талаблари ва стресс тестларига дуч келишади.



**Source:** PlanAdviser (2024), “SEC Charges Pinnacle Advisors with Liquidity Rule Violations”

# Фоиз ставкаси rischi

Банк фойдасининг фоиз ставкаси таъсирига дучор бўлиши билан боғлиқ активлар ва пассивларга турли йўллар билан таъсир кўрсатадиган ўзгаришлар. Банклар фоиз ставкаси хавфига дучор бўлади, чунки улар тенгсиз баланс билан ишлайди.



# Репутацион риск

Бу банкнинг обрўсига таҳдид ёки хавфдир. Бунга сабаб, банкнинг нотўғри ҳаракатлари, ходимларнинг хатолари ёки банкнинг ҳамкорлари ёки мижозларининг ноқонуний ишлари туфайли бўлиши мумкин.




# Ислом Банкларидаги Рисклар (Хатарлар)

# Анъанавий vs Исломий банк Riskлари

Анъанавий Банк

Ислом Банки



# Исломий банкларлардаги рисклар

Риск тури	Таърифи
<b>Шариатга номувофиқлик rischi</b>	Шариат қоидалари ва принципларига риоя қилмаслик натијасида юзага келадиган риск.
<b>Даромад ставкаси rischi</b>	Кутилмаган даромад ставкасининг ўзгариши натијасида даромад даражасига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли..
<b>Бозор шароитлари таъсиридаги тижорий риск</b>	Банк инвестиция счётлари эгалари маблағлари билан молиялаштирилган активлардан топилган фойда даражасидан юқори даромад тўлашга мажбур бўлиши мумкин бўлган босим rischi. Банк фонд жамловчиларини сақлаб қолиш ва уларнинг пулларини қайтариб олишининг олдини олиш учун фойданинг бир қисмини ёки тўлиғини улар фойдасига беришга мажбур бўлади..
<b>Улушли инвестиция rischi</b>	Муайян лойиҳани молиялаштириш ёки шериклик асосида умумий бизнес фаолиятида иштирок этишдан келиб чиқадиган риск. Молия провайдери бизнес рискларни ўз зиммасига олади. Бу риск асосан Мудораба ва Мушорака шартномаларида долзарб..

# Хатарларни бошқариш

ИММ.ларининг хатарларни бошқариш меъёрлари Ислом молия хизматлари кенгаши (IFSB) томонидан чоп этилган

## Асосий меъёрлар (стандартлар)

- Фақат Ислом молия хизматлари кўрсатадиган муассасалар (суғурта компаниялардан ташқари) учун хатарларни бошқариш бўйича кўрсатмалар. **IFSB-1**
- Ислом молия хизматларини таклиф қилувчи ташкилотлар учун ликвидлик билан боғлиқ хатарларни бошқариш бўйича асосий тамойиллар. **IFSB-12**
- Такафул (Ислом суғуртаси) бўйича Хатарларни бошқариш меъёрлари. **IFSB-14**
- Ислом молия хизматлари кўрсатувчи муассасаларда ликвидлик билан боғлиқ хатарларни бошқариш бўйича миқдорий чора-тадбирлар бўйича қўлланма [Ислом суғуртаси (Такафул) муассасалари ва Ислом жамоа инвестиция схемаларидан ташқари]. **GN-6**
- Хатарларни бошқариш ва маблағ (капитал) етарлилиги меъёрлари бўйича кўрсатма: **GN-2.**

Шунингдек, тармоқни тартибга солувчи ташкилотнинг талабларини ҳисобга олиш керак

# Хатарларни бошқариш


Ислом молия муассасаларининг хатарларни бошқариш меъёрлари Ислом молия хизматлари кенгаши (IFSB) томонидан чоп этилган

## **IFSB тамойиллари**

- Тамойиллар – энг яхши амалиётларга асосланган кўрсатмалар тўплами
- Ислом тараққиёт банкининг Шариат кенгаши томонидан тасдиқланган
- Банк назорати бўйича Базел қўмитасининг тамойилларига қўшимча


# Хатарларни бошқариш

Муробаҳа: Бозор таваккалчилиги (1-2 босқич) кредит таваккалчилигига айланади (3-5 босқич)



# Хатарларни бошқариш

**Музораба** : Бозор таваккалчилиги (1-босқич) кредит таваккалчилигига айланади (2-босқич), агар бепарволик ёки шартлар бузилган бўлса



# Хатарларни бошқариш

ИММ ҳар бир ислом молия воситасидан келиб чиқиши мумкин бўлган кредит хатарларини баҳолаш тегишли услуб-методологияга эга бўлиши керак.

- Умумий хатарларга мойиллик даражаси;
- Мижозларни ҳар томонлама/тўлиқ экспертиза (Due diligence) қилиш, уларни ўрганиш;
- Агар зарур бўлса – тегишли мутахассисларни жалб қилиш (Шариат кенгаши, техник экспертлар)
- Хатарларни диверсификация қилиш ва активларни тақсимлаш стратегияси (воситалар, география, мавсум, валюта, саноат ва бошқаларга боғлиқ)

# Хатарларни бошқариш

**Кредит хатарларини камайтиришда мумкин бўлган молиявий чоралар:**

- Шариат қўмитаси қарорига риоя кўра, ҳисобланган жарималар хайрия жамғармаларига йўналтирилиши керак
- Учинчи шахсларнинг кафолатлари ва гаровлари даъволарни бажариш
- Мажбуриятларни муддатидан аввал бажарилиши имкониятлари кўзда тутилиши
- Ижарага олинган активлар эскирган тақдирда уларни баҳолаш ва шу масала юзасидан тегишли чоралар кўриш имконини берувчи тизим яратилган бўлиши

# Хатарларни бошқариш

Музораба ва Мушорака каби шерикчилик сармоялари доирасидаги хатарларни бошқариш.

- Инвестиция мақсадлари ва мезонларини аниқлаши ва шакллантириши (мас. инвестициялар турлари, хатарларга мойиллик, кутилаётган даромад ва инвестиция қилиш исталган вақт);
- Инвестициялар рентабеллигини аниқлаш усули
- Ишлатиладиган ҳисобот усуллари ва ҳисоботларни ўзгартириш (манипуляция қилиш) билан боғлиқ хатарларни бартараф этиш
- Мустақил аудит ва баҳолаш ўтказилишини таъминлаш
- ИММ шерик сифатида сармоя киритаётган объект фаолияти ва амалиётларини доимий равишда назорат қилиш имконияти;
- Инвестиция фаолиятидан чиқиш стратегияси мезонлари;

# Хатарларни бошқариш

## **IFSB-1. Бозор хатарлари**

- Бозор нархларини ўзгариши
- Ижарага олинган активларни қолдиқ қиймати
- Маҳсулотлар нархининг ўзгариши
- Алоҳида маҳсулотлар бозорининг ликвидлигини ўзгариши
- Валюта курсларининг ўзгариши

# Хатарларни бошқариш

## Бозор хатарларини бошқариш тизими:

- Чекланган инвестиция ҳисобварақлари эгалари портфелидаги хавфли амалиётларни ва уларнинг бозор таваккалчилик чегараларини тартибга солувчи кўрсатмалар;
- Нархлар, баҳолаш ва даромадларни ҳисобга олишнинг тегишли тизимлари;
- Раҳбариятга ҳисоботлар тайёрлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган ахборот тизими;
- Хатарларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш имконияти;
- Сотиладиган активларга нисбатан хатарларга мойиллик даражасини аниқлаш ва бу таваккалчилик даражаси шу мақсадда ажратилган капитал билан етарли даражада таъминланган бўлиши;
- Активларни бозор хатарлари бўйича ҳолати / тутган ўрнини тўғри баҳолаш;

# Хатарларни бошқариш

## Ликвидлик билан боғлиқ хатарлар

### Ликвидликни бошқариш сиёсати

#### Миқдорий омиллар

- Диверсификация даражаси ва маблағлар манбалари;
- Молиялаштириш концентрацияси;
- Юқори ликвидлик активларга боғлиқлик;
- Ташқи молиялаштиришнинг захира линияларининг мавжудлиги.

#### Сифатли омиллар

- Умумий етакчилик қобилиятини баҳолаш;
- Ҳазначиликни бошқариш ва жамоатчилик билан алоқалар бўйича аниқ кўникмаларни баҳолаш;
- ИМИ ни бозордаги обрўсини баҳолаш;
- Акциядорлар / бош компаниянинг қўшимча сармоя бериш истаги ва қобилиятини баҳолаш.

## Ислом банклараро пул бозоридаги воситалар турлари

- Mudarabah Interbank Investment (MII)
- Wadiah Acceptance
- Sell and Buy Back Agreement (SBBA)
- Tawarruq
- Sukuk

# Ислом банклараро пул бозоридаги воситалар турлари

Mudarabah Interbank Investment (MII)



Wadiah Acceptance

Sell and Buy Back Agreement (SBBA)

Tawarruq

Sukuk

# Interbank Mudarabah Turlari

## **Mudarabah Interbank Placement (MIP)**

— Bankning boshqa ishtirokchi bankka mudaraba shartnomasi asosida joylashtirgan investitsiyasi.

## **Mudarabah Interbank Acceptance (MIA)**

— Bankning boshqa ishtirokchi bankdan mudaraba shartnomasi asosida investitsiyani qabul qilishi.

## **Foreign Mudarabah Placement (FMIP)**

— Bankning boshqa ishtirokchi bankka xorijiy valyutada mudaraba shartnomasi asosida joylashtirgan investitsiyasi.

## **Foreign Mudarabah Acceptance (FMIA)**

— Bankning boshqa ishtirokchi bankdan xorijiy valyutada mudaraba shartnomasi asosida investitsiyani qabul qilishi.

# Хатарларни бошқариш

## IFSB-1. Даромадлилик меъёрларига боғлиқ хатарлар

**Фойдани мутаносиблаштириш (меъёрлаштириш, тенглаштириш) захираси (ФТЗ) / Profit Equalisation Reserve (PER)** – бу Ислом Банки томонидан умумий даромаддан ажратиладиган маблағ бўлиб, инвестиция ҳисоб варақлари эгаларига даромад тақсимоидан олдин амалга ошириладиган ажратма. Ушбу захирадан мақсад, инвестиция ҳисоб варақлари даромадлилиги даражасини бир меъёрда ушлаб туришдир.

- Захира ҳисоблаш олдиндан шартномада кўрсатилган бўлиши керак ва захира даражаси банкнинг сиёсатига кўра ўзгариб туриши мумкин.
- Баъзи мамлакатларда назорат қилувчи идора ФТЗ бўйича ўз талабларини қўяди.

**Инвестиция хатарлари захираси (ИХЗ)/ Investment Risk Reserve (IRR)** – бу захира Музориб улушини чиқариб ташлагандан кейин сармоялар муддатидан аввал чиқариб олиниши билан боғлиқ келажақдаги инвестиция йўқотишларини (зарарларини) қоплаш мақсадида ажратилади. ИХЗ ажратиш банкнинг ички сиёсати меъёрлари асосида белгиланади.

# Хатарларни бошқариш

## Амалиёт доирасидаги хатарлар

ИММ Шариат меъёрлари ва тамойилларига риоя этилишини таъминлаш учун ИММ тегишли бошқарув тизимига эга бўлиши керак, жумладан Шариат кенгаши ёки ҳеч бўлмаганда маслаҳатчиси.

- Шариат қоидалари ва тамойилларига доимий равишда риоя этилишини таъминлаш
- Шартномаларни тузиш ва уларни бекор қилишда Шариат талаблари доирасида ҳаракат қилиш, шунингдек, шартномани бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган фирибгарлик, мавҳумлик, босим каби салбий унсурлар мавжуд эмаслиги
- Йилига камида бир марта, ички ёки ташқи аудит томонидан Шариат тамойилларига риоя қилинишини текшириши

# Фойдаланилган адабиётлар

- Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI). (2015). *Shari'ah standard No. 10: Salam and parallel Salam*. In *Shari'ah standards*. AAOIFI.
- Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions (AAOIFI). (2015). *Shari'ah standard No. 11: Istisna'a and parallel Istisna'a*. In *Shari'ah standards*. AAOIFI.
- Hassan, M. K., Kayed, R. N., & Oseni, U. A. (2013). *Introduction to Islamic banking and finance: Principles and practice*. Pearson.
- Usmani, M. T. (2002). *An introduction to Islamic finance*. Kluwer Law International.
- Islamic Financial Services Board (IFSB). (n.d.). *Guiding principles on risk management for institutions offering Islamic financial services*. <https://www.ifsb.org/>

